O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2009 йил 21 ноябрь ШАНБА

№ 93 (12.209)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## БУҒДОЙ ҚАЛИН ТУПЛАЯПТИ

**Фермер Бурхон Қурбонов ғаллазорни обдон кезиб, буғдой майсалари ривожини кўздан кечирди. Уруғ биринчи сепилган майдонларда экин яхши илдиз отган, шу боис қалин туплай бошлаган. Энди ўғитдан қисмаслик керак. Айниқса, ҳозир бир-икки ёғин жуда зарур. Аммо, аксига олиб, об-ҳаво саховатини дариғ тутаяпти. Кўкламдаги ортиқча ёмғирлар қанийди ҳозир бўлса, майсаларнинг жони кирарди.**

– Ҳечқиси йўқ, – дейди Оққўрғон туманидаги "Бурхон" фермер хўжалиги раҳбари Бурхон Қурбонов. – Биз 45 гектар майдондаги "Нота" навли буғдойга шу кунларда гектарига ўртача 120 килограммдан аммофос бераяпмиз. Ёғинни кутиб ўтирмай, бир чеккадан суғоришга киришамиз. Қишнинг аёзли кунлари бошлангунча, буғдой қалин туплашга улгурса, марра бизники. Қишдан дуркун ва "тўқ" чиқиб, баҳорда зўр бериб гуркирайди. Қарабсизки, гектарлар тўлиқ, бошоқлар бўлиқ, пировардида хирмон ҳам қуюқ.

Фермернинг гапида муболаға йўқ. Оққўрғонликлар "Бурхон"нинг ҳар йили ғалладан баракали хирмон уяётганига бевосита гувоҳ бўлиб келишаяпти. Хусусан, бу йил 45 гектар майдондан 55 центнердан хирмон кўтарилди. Салкам 250 тонна ғалланинг 150 тоннаси давлат эҳтиёжлари учун топширилди. Ўзларига қолган буғдойнинг бир қисми аъзоларга тарқатилди. Хуллас, ғаллачилик хўжаликка 15 миллион сўмдан зиёд соф фойда келтирди.

Яна бир гап. Хўжалик лизингга олган ҳайдов трактори ёрдамида кузги шудгорни барвақт тугатди. Ўзингда бўлганига нима етсин, деганлари шу-да. Дарвоқе, "Бурхон" лизинг қарзидан қутилиш арафасида. Кейинги йили ҳайдов трактори нақд ёнларига қолади.



СУРАТДА: фермер Бурхон Қурбонов.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ*

## ҚУРБОН ҲАЙИТИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Муборак Қурбон ҳайитининг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини, халқимизга хос меҳр-мурувват, бағрикенглик ва саховат ифодаси эканини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2009 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 27 ноябрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг мурожаатини инобатга олиб, 2009 йил 27 ноябрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди давлат ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига байрам тадбирларини кенг ёритиш тавсия этилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2009 йил 19 ноябрь.

## «ЎЗБЕКЭНЕРГО» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИДА

**Мамлакатимиз энергетика тизими фаолиятининг заиф бўғинларидан бири охирги вақтгача мазкур тизим тармоқларининг бир-бирига уланмагани эди. Шу сабабли мамлакатимизнинг жанубий ҳудудларига электр энергияси Тожикистондаги "Регар" подстанциясидан етказиб бериларди.**

Кейинги икки йилда "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси Ўзбекистон энергетика тизимини яхлит ҳолга келтириш бўйича изчил ишларни амалга оширди. Шу тариқа унинг ишончли ва узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлади.

2009 йилнинг ноябрь ойи охирида "Ғузор" ва "Сурхон" подстанциялари йўналиши бўйича Сурхондарё вилоятига электр энергиясини бевосита етказиш имконини берадиган 500 киловаттли электр узатиш линияси қурилиши ниҳоясига етади ва у фойдаланишга топширилади.

25 ноябрь куни мазкур электр узатиш линияси кучлантирилади ва жорий йилнинг 1 декабридан бошлаб тўлиқ ишга туширилади.

Бунинг натижасида илгари Тожикистон энергетика тизими Ўзбекистон ҳудудига етказиб берган электр энергияси ҳажмларига эҳтиёж қолмайди ва ундан Тожикистон ўзининг ички эҳтиёжлари учун фойдаланиши мумкин. Тожикистоннинг Сўғд вилоятининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи эса бундан кейин ҳам илгари шаклланган схема бўйича таъминланиши мумкин.

**ЎзА.**

**Қонун устуворлигини таъминлаш, шахс ва оила манфаатларини ҳимоя қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш вазифаси мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланган.**

## ОАВ ВА ҲУҚУҚ

Бу эзгу мақсадни ҳаётга татбиқ этишда давлат ва жамоат ташкилотлари билан бир қаторда оммавий ахборот воситаларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Айниқса, ҳуқуқий мавзуни ёритаётган журналистларнинг билим ва маҳорати аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда алоҳида аҳамиятга эга. Чунки қонунлар ва суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳиятининг аҳолига тушунарли ва таъсирли тарзда етказилиши ҳуқуқий тарғиботнинг самарали усулларидандир.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасида оммавий ахборот воситаларида ҳуқуқий мавзуларнинг ёритилиши масаласига бағишлаб ўтказилган анжуманда шу ҳақда гап борди.

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар бераётган юксак самаралар мазмун-моҳиятини кенг оммага етказишда оммавий ахборот воситалари ходимлари алоҳида фаоллик кўрсатмоқда. Хусусан, соҳанинг алоҳида бўғини бўлган ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ишлар, қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлари матбуот, радио ва телевидениеда кенг ёритилмоқда. Бу борадаги ҳамкорликнинг янада яхшиланиши ҳар томонлама пухта ва қизиқарли мақолалар, кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрланишига хизмат қилади. Бунда ички ишлар идораларининг барча тизимларида ташкил этилган матбуот хизматлари имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқда.

Тадбирда мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Журналистлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

**Н. АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири.**

**"Palace Von Kaufman" меҳмонхонасида Халқ таълими вазирлиги, Қори Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида "Умумий ўрта ва ўрта махсус касб-ҳунар таълими жараёнида фанлараро узвийликни таъминлаш муаммолари" мавзусида республика илмий-амалий анжумани ўтказилди.**

## ТАКЛИФ ВА МАЪРУЗАЛАР НАШРГА

Йиғилишда умумий ўрта ва ўрта махсус таълимда фанлараро узвийликни таъминлашнинг назарий асослари, ижтимоий-гуманитар ва табиий-математик йўналишидаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган 150 дан ортиқ маърузалар тингланди. Соҳа мутахассислари томонидан таълимда босқичлараро ўқув фанларидан тақдим этиладиган билимлар узвийлиги ва узлуксизлигини таъминлаш соҳасида жаҳоннинг илғор мамлакатларида тўпланган педагогик тажрибаларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва илғор ёндашувларни умумлаштириш, улардан амалиётда фойдаланиш йўллари муҳокама қилинди.

Тадбирда ҳар бир ўқув фани бўйича эгалланиши зарур бўлган билим, кўникма ва малакалар юзасидан умумий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Анжумандаги таклиф ва лойиҳалар, маърузалар алоҳида тўплам сифатида нашр этилади.

**Азима ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".**

*Ёнғин хавфсизлиги ойлиги*

## ҲУШЁРНИНГ КЎНГЛИ ХОТИРЖАМ

**Республикада ёнғин хавфсизлиги ойликларини ўтказиш одат бўлиб қолди. Натижада ёнғинлар сони кескин камайиб, нохуш ҳолларнинг олди олинаётганлигини, асосийси, фуқароларда ёнғиндан сақланиш борасидаги тушунчалар пайдо бўлаётганлигини мамнуният билан таъкидлаш мумкин.**

"Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" тадбирининг асосий мақсадларидан бири бу – ишчи-хизматчилар, талабалар, аҳоли ўртасида ва айниқса, ёш авлод орасида тушунтириш ишларини кучайтириш, ёнғинларни ва унинг оқибатида содир бўлувчи аянчли ҳолларнинг олдини олишга жамоатчиликни кенг жалб этишдир.

Бу йил ҳам 19 ноябрь кунидан бошлаб 23 декабрга қадар "Ёнғин хавфсизлиги ойлиги" ўтказилиши белгиланди. Шу муддатда аҳоли ўртасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш, ёнғин ўчириш техникасининг жанговар ҳолатини намойиш қилиш мақсадида жойларда учрашувлар ташкил этилади.

Афсуски, мавсум бошидан иситиш печларининг созлиги текширилмаганлиги, носоз ва қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланилиши, газ анжомлари ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда ишлатишлиши, уларни тармоқларга ноқонуний равишда ўзбошимчалик билан резина шланг орқали улаш каби ҳолатлар оқибатида ёнғинлар содир бўлмоқда. Уларнинг қарийб 40-50 фоизини иситиш печларидан содир бўлган ёнғинлар ташкил қилади. Шунинг учун кузги-қишки мавсумда ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларидан кечаю-кундуз машаққатли меҳнат талаб қилинади. Айни пайтда аҳоли ва корхона, ташкилотлар мутасаддилари ҳам ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишлари ва ёнғин офати келиб чиқадиган кўнгилсизликларга эътиборсиз бўлмасликлари зарур.

Азиз юртдошлар! Ёнғин хавфсизлигига риоя қилиш билан сиз давлат ва шахсий мулкингиз, ўз яқинларингиз ва фарзандларингиз хавфсизлигини таъминлайсиз.

**Алишер ОБИДЖОНОВ, Ўзбекистон ИИВ Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармасининг бўлим бошлиғи.**

**27 декабрь – сайловлар куни**

***Мамлакатимизда муҳим ижтимоий-сиёсий тадбир – сайловга тайёргарлик тобора қизғин тус олмоқда. Унинг нафаси Чирчиқ шаҳар сайлов комиссияси фаолиятида ҳам баралла сезилиб турибди.***

## НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНМОҚДА

– Барча тайёргарлик ишлари календарь режа асосида олиб борилаяпти, – дейди комиссия раиси Дилором Абдуқодирова. – Халқ депутатлари шаҳар кенгашига сайлов ўтказувчи 30 та сайлов округи шакллантирилиб, комиссиялар ўз фаолиятларини бошлаб юборишди. 52 та сайлов участкаси тузилиб, уларнинг аъзолари учун сайлов қонунчилиги, овоз бериш тартиби бўйича семинар машғулотлари ташкил этаяпмиз. Барча сайлов участкалари тегишлича жиҳозланаяпти. Бу ишларда маҳаллалар, кимё ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, трансформатор корхоналари салмоқли ёрдам кўрсатишяпти.

Шаҳар сайлов комиссияси аъзолари округларда бўлиб, тайёргарликнинг бориши, сайлов участкаларининг жиҳозланиш даражаси, энг муҳими, сайловчилар рўйхатини тайёрлашда комиссияларнинг аъзоларига амалий ёрдам кўрсатишаяпти. Бу жараёнда шаҳар сайлов комиссиясининг катта ташкилотчилик тажрибасига эга Туроп Абдуллаев, Замира Қаҳрамонова, Муҳаббат Каримова сингари аъзолари алоҳида фаоллик билан иштирок этишаётир.

Бу сайловларда 93 минг 500 чирчиқлик овоз беради. Шу кунларда улар рўйхатга олиниб, унинг электрон варианти яратиляпти. Участка сайлов комиссиялари бу рўйхатларга маҳаллалар бўйича аниқлик киритишаётир.

Партияларнинг шаҳар кенгашлари рўйхатга олиш учун ўз номзодлари ҳужжатларини тақдим этишди. Бугун-эрта номзодлар рўйхатга олингач, сайлов кампанияси янги босқичга кўтарилади. Сайловчилар билан учрашувлар, сиёсий партияларнинг шаҳар ташкилотлари ўртасида депутатлик ўринлари учун рақобатли кураши бошланади.

**Жўрабек МУРОДОВ.**





## КОНФЕРЕНЦИЯ БЎЛИБ ЎТДИ

**Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига бўлиб ўтадиган сайловларга алоҳида ҳозирлик кўрилаётир.**

"Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, мамлакат Қонунчилик палатасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан ўн беш нафар депутат сайланади. Улар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган конференцияларда сайланадиган делегатлар орасидан муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади.

Ўзбекистон экологик ҳаракати вилоят ҳудудий бўлинмасининг конференцияси ана шу масалага бағишланди. Унда вилоятнинг барча шаҳар ва туманларидан 400 нафарга яқин экоҳаракат фаоллари иштирок этдилар.

Конференция делегатлари кун тартибига қўйилган битта – Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг республика анжуманига 25 нафар делегатни сайлаш масаласини муҳокама қилишди. Аввал делегатлар "Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатиш ва уларни сайлаш тартиби тўғрисида"ги Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган низом билан танишиб чиқишди.

Шундан сўнг, ушбу низом талабларидан келиб чиқиб, делегатлар орасидан Ўзбекистон Экологик ҳаракати республика конференциясига 25 нафар делегат муқобиллик асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланди.

Конференцияда Марказий сайлов комиссияси ходимлари, кузатувчилар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Анжуман муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилди.

**Учқун ҲАМДАМОВ.**






СУРАТЛАРДА: конференция ишидан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

2010 йил учун обуна давом этмоқда. ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси – 205.





# ҲАРБИЙ ХИЗМАТ – МУҚАДДАС БУРЧ

**Вилоят ҳокимлигида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Халқ депутатлари вилоят кенгаши ҳамкорлигида "Қишлоқ ёшларини ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти идораларининг, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларнинг вазифалари" мавзусига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Уни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси Маъруф Усмонов олиб борди. Тадбирда Юртбошимизнинг ғоялари ва бевосита ташаббуслари билан мамлакатда Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тизимини ислоҳ қилиш бўйича миқёси ва теранлиги жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга бўлган улкан ишлар изчил олиб борилаётгани қайд этилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётганларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари амалга оширилаётир. Фуқароларни танлов асосида муддатли ҳарбий хизматга олиш тизими яратилган. Чақирув комиссияларининг ишида ошкораликни ва самарали жамоатчилик назоратини таъминлаш учун улар таркибига маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, жамоатчилик вакиллари киритилиб, Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан тўлдириш сифат жиҳатидан яхшилангач, уларнинг жисмоний ва интеллектуал ривожланиш даражаси ошди. Бир сўз билан айтганда, бугун ҳарбий хизматга бўлган эътибор тубдан ўзгарди.

Йиғилишда "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси, жойлардаги чақирув комиссиялари ишини такомиллаштириш, чақирилувчиларнинг тиббий кўрикдан сифатли ва холисона ўтказилишини таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш, шунингдек, чақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ўтказиш учун мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқув-моддий базасини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни янада кучайтириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи Бахтиёр Маҳмудовнинг фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашда маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларнинг вазифаларига бағишланган маърузаси тингланди. Унда таъкидланишича, вилоятимиз туман ва шаҳарларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда жамоатчиликнинг ўрни ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга.

– Ёшларимизни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, жисмонан бақувват, соғлом фикрлайдиган қилиб улғайтириш бугуннинг энг долзарб вазифаси ҳисобланади, – деди йиғилиш иштирокчиларидан бири – Чирчиқ шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Шоҳида Ирисметова. – Шу мақсадда шаҳардаги 26 та умумтаълим мактабининг юқори синфларида, 8 та касб-ҳунар коллежи ва академик лицей ўқувчилари ўртасида белгиланган режа асосида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг ўзида Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида "Бўлажак аскарлар – ҳарбийлар даврасида" мавзуида учрашув ўтказилиб, ёшлар ҳарбий хизматнинг сирлари ва ҳарбий техника музейи билан таништирилди. Уларнинг ҳарбий техникага бўлган қизиқишларини ошириш мақсадида жойларда "Шунқорлар – 2009" ҳарбий спорт ўйинлари ташкил этилди. Бир сўз билан айтганда, ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда ҳамкорлик, ҳамжиҳатлик катта аҳамиятга эга.

Бўлиб ўтган йиғилишда чақирув пунктларининг бугунги аҳволи, тиббий кўрикдан ўтказиш ва бу билан боғлиқ муаммолар хусусида ҳам фикр алмашилди.

Шунингдек, тадбир давомида "Ватан посбонларини улғайтириш оналарнинг муқаддас вазифаси", "Қишлоқ ёшларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш идоралари олдида турган долзарб вазифалар", "Ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ўрни" каби мавзулардаги маърузалар тингланди.

Семинарда сенаторлар, вилоятдаги маҳаллий кенгашларнинг депутатлари, Қуролли Кучлар фахрийлари, манфаатдор вазирлик ва муассасалар вакиллари ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари иштирок этдилар.

**Улуғбек ҲАМРОҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбирдан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*Соғлом она – соғлом бола*

# КЎРИКДАН ВАҚТИДА ЎТИШ КЕРАК



**Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш нафақат соҳа ходимларининг, балки кенг жамоатчиликнинг муҳим вазифаларидан бири.**

Бизнинг Тошкент тумани "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан ушбу қарорлар доирасида турли тадбирлар уюштирилмоқда.

Соғлом фарзанднинг дунёга келишида онанинг саломатлиги муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун туғиш ёшидаги аёлларга кўрсатилаётган тиббий хизматга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозир туманимиздаги 37456 аёл саломатлигини назорат қилиш учун 3 та поликлиника, 15 та ҚВП ва 125 ўринли акушерлик мажмуаси хизмат кўрсатмоқда. Оила мустаҳкамлиги, соғлом турмуш тарзи қанчалар муҳим аҳамият касб этса, репродуктив саломатлик масаласи ҳам шунчалик долзарб саналади. Аёлнинг она бўлиш учун тайёргарлиги бу – репродуктив саломатлик деганидир. Ўғил-қизи вояга етаётган оналар фарзандларига болалик давриданоқ тўғри маслаҳат бериб бориши, тиббий кўрикдан ўтказиб туришлари лозим. Жойларда ўтказаётган давра суҳбатларимизда аёллар билан бирга қизлар ҳам фаол иштирок этиб, мутахассислардан керакли маълумотларни, маслаҳатларни олиб туришади.

"Соғлом авлод учун" жамғармаси фаолиятини биргина Ҳасанбой қишлоғи мисолида айтадиган бўлсак, шу кунгача 197 фуқаро тиббий кўрикдан ўтказилди. Улардан 60 нафари аёллар бўлиб, 45 нафари фертил ёшида. Шунингдек, 115 оилага бепул дори-дармонлар тарқатилди. Шу кунгача 400 минг сўмлик хайрия ёрдамлари ташкил этилди. 39-мактабгача таълим муассасасида "Соғлом авлод – соғлом келажак" тадбири бўлиб ўтди. Унда соҳага доир барча мутахассислар иштирок этиб, аёлларга зарур бўлган тиббий маслаҳатлар беришди.

**Гулзода ЮСУПОВА, "Соғлом авлод учун" жамғармаси Тошкент тумани таянч пункти шифокори.**

**Мамлакатимизда соғлом авлодни камол топтириш учун барча шарт-шароитни яратиш, болаларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

# ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ВА ҚОНУНЧИЛИК

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида вояга етмаганларга оид қонунчиликнинг бугунги ҳолати ва истиқболига бағишлаб ўтказилган илмий-амалий семинарда шу ҳақда гап борди.

Анжуман парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция қабул қилинганлигининг 20 йиллигига бағишланган ушбу тадбирни қўмита раиси А. Саидов бошқарди.

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, манфаатдор вазирликлар, идоралар, нодавлат ҳамда халқаро ташкилотларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси ёш авлоднинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид 40 дан зиёд халқаро ҳужжатнинг иштирокчиси экани қайд қилинди. Мазкур соҳадаги вазифаларнинг ижросини таъминлашни такомиллаштириш масалалари бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

**Т. БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

# КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

**Ҳозирги кунда Қибрай туманида саккизта касб-ҳунар коллежи фаолият кўрсатмоқда. Улар тумандаги умумтаълим мактаблари билан алоқа боғлаб, касб танлаш бўйича иш олиб боришмоқда.**

1-умумтаълим мактабида уюштирилган давра суҳбати битирувчи синф ўқувчиларида катта қизиқиш уйғотди. Ўқувчиларнинг тадбирдан олган таассуротлари "Ким бўлсам экан?" деган мавзудаги ёзма иншода ўз ифодасини топди. Кўпчилик ёшлар тумандаги қишлоқ хўжалигига ихтисослашган коллежларда ўқишни давом эттириш истагини билдирдилар.

Бу йил мактабда 124 нафар ўғил-қиз тўққизинчи синфни битириб, фойдали касб-ҳунарни эгаллашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

# БУЮРТМА МАҲСУЛОТЛАР

**Тошкент метрополитенининг вагонларни таъмирлаш ва эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқариш депосида буюртма маҳсулотлар ҳам тайёрланмоқда.**

Бунда "Сигнал" ва "Фатон" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмалари билан ҳамкорлик яхши самара бермоқда.

Эндиликда депо жамоаси Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қаттиқ қотишмалар комбинати буюртмаларини бажариш билан ҳам шуғулланмоқда.

Шу йилнинг ўзида ўзаро келишув бўйича қурилмаларни таъмирлашда фойдаланиладиган эҳтиёт қисмлар захираси тайёрланди.

Шунингдек, электромеханик совутгичли қурилмаларнинг эҳтиёт қисмлари ҳам етказиб берилди.

**Акбар АЛИЕВ.**

## Оҳангарон шаҳри:

# ИСЛОҲОТ БЕРАЁТГАН САМАРАЛАР

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири ва салбий оқибатлари натижасида юзага келаётган вазиятдан чиқиш ва уларни бартараф этиш мақсадида давлатимизда изчил иқтисодий сиёсат юритилмоқда. Бунинг натижасида шаҳримизда ҳозирги кунгача банк тизимини ҳамда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва рақобатбардошлигини таъминлаш, маҳсулот таннархини камайтириш, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни кенг жалб қилиш, корхоналар томонидан солиқ имтиёзларидан фойдаланиш, йирик корхоналар қошида фирма дўконлар ҳамда қурилиш ишларини жадаллаштириш мақсадида ихтисослаштирилган қурилиш пудрат ташкилотлари ташкил этишга эришилди.**

## МАҚСАД ВА МАСЪУЛИЯТ МУШТАРАК

Шаҳримизда 586 та корхона ва ташкилот бўлиб, шулардан 444 таси кичик тадбиркорлик субъектлари ҳамда 6 таси йирик саноат корхоналаридир. 2009 йилнинг январь-октябрь ойлари давомида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 161,5 миллиард, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 33,7 миллиард, пудрат ишлари ҳажми 5,6 миллиард, чакана савдо айланмаси 50,7 миллиард, умумий хизматлар ҳажми 59,7 миллиард, шундан аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 5,2 миллиард сўмни ташкил этди.

Янги ишлаб чиқариш корхоналарини ишга тушириш бўйича ҳам бир қанча лойиҳалар амалга оширилди. Германиянинг "Штайнерт Индастриз" компанияси томонидан жами 4589,52 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилиши натижасида "Термо Дом" корхонаси ишга туширилди. Йилига 30 миллион дона ғишт ишлаб чиқаришга мўлжалланган мазкур корхонада 75 та янги иш жойлари яратилди. Бу ерда янги технология асосида 5-15 метр ер қаъридаги тупроқдан энергия тежайдиган юқори самарали технология асосида пишган ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Айтиш мумкинки, бу Ўзбекистонда тежамкор технология асосида ишлайдиган корхоналардандир.

"Оҳангароншағал" шўъба корхонаси йилига 200 минг куб метр миқдорида қум ва шағал ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, натижада 25 та янги иш жойлари яратилди. Бунинг учун корхонага 276,4 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Шунингдек, ҳозирда "Моин Текстил" масъулияти чекланган жамиятида реконструкция жараёни тугатилиб, иш бошлаш арафасида. Корхонада 40 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Бугунги кунгача 209,5 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция ўзлаштирилди. "Оҳангаронранглицемент" қўшма корхонасида 2008 йилнинг февралидан реконструкция ишлари олиб борилиши сабабли корхона иши тўхтатилган эди. Бунинг учун айни пайтгача корхонада 1742,2 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя ўзлаштирилди. Келгусида корхона йилига 1,2 миллион тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Ундан ташқари, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш бўйича шаҳарда жами 24 та шахобча ишга туширилди. Бунинг учун жами 372,5 миллион сўм маблағ сарфланди.

Шу ойнинг ўрталарида шаҳарнинг марказий кўчасида кўп тармоқли замонавий тиббий ускуналарга эга бўлган "Оҳангарон Медикал Сервис" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Бу ердаги тиббий асбоб-ускуналар, мебель жиҳозларининг барчаси замонавий.

Айтиш жоизки, шаҳримизда қиш мавсумига алоҳида, пухта ҳозирлик кўрилди. Республика Президентининг 2009 йил 23 июндаги "Республика иқтисодиёти тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, аввалдан махсус комиссия таркиби тузилди. Амалга оширилаётган ишлар юзасидан кенгайтирилган штаб йиғилишлари ўтказилиб, унда ҳар бир мутасадди раҳбарнинг дастурда белгиланган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳисоботлари тингланмоқда.

Шаҳардаги 15 та таълим муассасасига ўрнатилган локал қозонхоналар таъмирдан чиқарилиб, 23 та таълим масканига сув ўлчагичлар ўрнатилди. Таълим муассасаларини 2009 йил ўқув йилида жорий таъмирдан чиқариш мақсадида дастур ишлаб чиқарилди. Унга кўра муассасаларнинг ўқув бинолари, спорт зали ва бошқа қўшимча хоналари жорий таъмирланди. Маҳаллий бюджет ҳисобидан ажратилган 20 миллион сўм маблағ эвазига 3-, 11-, 13-мактабгача таълим муассасаларининг томи таъмирдан чиқарилди. Шунингдек, 930 ўринли 3-умумтаълим мактабида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, янги ўқув йилида фойдаланишга топширилди.

Шаҳарда 6 та тиббиёт муассасаси, жумладан, марказий шифохона, оилавий, болалар поликлиникалари, силга қарши курашиш диспансери ва тиш-жағ поликлиникаси аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу муассасаларнинг барчасида локал қозонхоналар ўрнатилган бўлиб, қиш даврида барқарор ишлаши учун тайёргарлик кўрилди. Тиббиёт бирлашмасининг юқумли касалликлар, болалар, терапия, туғуруқ бўлимлари жорий таъмирланди. Қозонхонада янги 2 та қозонни қуриш учун "Оҳангаронцемент" корхонаси 30 миллион сўм ҳомийлик ёрдами кўрсатди. Бундан ташқари, марказий поликлиниканинг қурилиши тугалланмаган иккинчи биноси жаҳон андозасига мос равишда мукаммал реконструкция қилинмоқда. Қурилиш ишларига ҳомий ташкилот ҳисобидан 149,2 миллион сўм ҳамда бюджет ҳисобидан 60 миллион сўм маблағ ажратилди. Янги бино мамлакатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллиги арафасида шаҳар аҳолисига хизмат кўрсатиш учун топширилади.

Оҳангарон шаҳрида 157 та кўп қаватли уй бўлиб, шулардан 152 таси 1991 йилгача қурилган. 2009 йилда 32 та уйни мукаммал таъмирлаш давлат дастурига киритилган бўлиб, бунинг учун 346 миллион сўм маблағ ажратилиши белгиланган. Амалда 32 та уй пудрат ташкилотлари ҳамда уй-жой мулкдорлари ширкатлари ҳамкорлигида қиш мавсумига тайёрлаб қўйилди. Шаҳарда 28 та хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолият кўрсатиб, 2009 йил режасига киритилган барча уйлар жорий таъмирланди.

Биз амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимизнинг самарадорлигига эришиш учун корхона, ташкилот, муассасалар ҳамда маҳалла фаоллари ва аҳоли вакиллари билан биргаликда мавжуд муаммоларни вақтида бартараф этиб бораяпмиз.

**Абдуғаппор МАННОПОВ, шаҳар ҳокими.**



## ҲАРАКАТ БОР, АММО...

**Шаҳримиз аҳолиси марказлашган ичимлик суви тармоғига эга бўлиб, бизнинг "Сувоқава" корхонамиз жамоаси ичимлик суви таъминотида узилишлар бўлмаслиги учун барча имкониятларни ишга солиб келмоқда. Хусусан, ёз бўйи давом этган кузги-қишки мавсумга ҳозирлик доирасидаги саъй-ҳаракатларимиз хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилашга йўналтирилди.**

Аҳолига узлуксиз оби-ҳаёт етказиб берувчи 95 километрдан ортиқ асосий сув қувурлари мавжуд бўлиб, оқава сув тармоқларининг 3,5 километрлик қисми реконструкцияга муҳтож. Шунингдек, бу йилги манзилли дастур бўйича 1 километр ичимлик суви қувури ётқизиш, 6 та махсус насослар ўрнатилиши лозим эди. Бироқ, ҳомий ташкилотлар томонидан йўналтирилган маблағ борасида муаммолар юзага келганлиги учун бу ишлар орқага сурилмоқда.

Шунга қарамай, шаҳар ҳокимлиги ёрдамида ва корхонамиз ўз кучи билан мавсумга тайёргарлик ишларини амалга оширишга муваффақ бўлдик. Чунончи, шаҳримиз бўйича 1,2 километрлик яроқсиз сув қувурлари алмаштирилди, 2,5 километрлик қувурлар жорий таъмирланди, 5 та ЭЦВ-10 русумидаги чуқурлик насослари мукаммал созланди. Шунингдек, ҳокимлик 1 та 250 квт электродвигателни мукаммал таъмирлаш учун сарф этиладиган маблағни ҳал этиб берди.

Келгуси йил учун ҳозирдан мукаммал дастур ишлаб чиқдик. Унга бир қатор кенг кўламли ишлар қамраб олинган. Насиб бўлса, келгуси йилга режалаштирган ишларни ўз вақтида амалга оширсак, шаҳримизда ичимлик сув таъминоти ва оқава сувлар тизимида мутлақо муаммо бўлмайди.

**Бахтиёр ҚАРШИБОЕВ, шаҳар "Сувоқава" корхонаси раҳбари.**

## СИМЁҒОЧЛАР ЯНГИЛАНСА...

Оҳангарон электр тармоқлари корхонаси томонидан 2009-2010 йил куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида 36,8 километр ҳаво тармоқлари, 2 та нимстанция, 51 та трансформатор профилактик синовдан ўтказилиб, жорий таъмирланди.

Аммо шаҳарда электр билан узлуксиз таъминлаш мақсадида ўз муддатини ўтаб бўлган 50 та симёғочларни янгилаш зарур. Бунинг учун вилоят электр тармоқлари идорасига мурожаат қилинган. Мутасаддилар бу масалани ижобий ҳал этишса, ҳеч қандай муаммога ўрин қолмасди.

**Нажмиддин ЙЎЛДОШЕВ, шаҳар электр тармоқлари идораси бош муҳандиси.**

**Қиш эшик қоқиб, кунлар кескин совий бошлаши билан аҳолини "Бу мавсум газ босими пасаймасмикин? Ишқилиб, таъминотда узилишлар бўлмасин-да?" каби саволлар ўйлантириши табиий.**

## ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ

Бугунги кунгача амалга оширган мавсумолди тайёргарлик ишларимиз кўламидан келиб чиқиб, бундай саволларга бемалол ижобий жавоб беришимиз мумкин. Бинобарин, шаҳримиз аҳолиси ва бошқа истеъмолчилар бу борада хотиржам бўлишлари мумкин, фақат, улар табиий газ учун тўловларни вақтида, ойма-ой тўлаб бораётган бўлсалар бас.

Шу ўринда бизнинг "Оҳангаронгаз" филиалимиз жамоасининг қиш мавсумига аввалдан пухта тайёргарлик кўриб, чора-тадбирлар режасида белгиланган вазифалар бекаму кўст бажарилишига эришиб келаётганини таъкидлаш жоиз. Албатта, мамлакатимиз раҳбарининг 2009 йил 23 июндаги "Республика иқтисодиёт тармоқларини 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда шаҳар ҳокимининг ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари, корхона, ташкилот ва муассасаларнинг 2009-2010 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашини таъминлашга йўналтирилган қарори саъй-ҳаракатларимиз йўналишини белгилаб олишимизда муҳим аҳамият касб этди.

Айтайлик, бугунги кунгача филиалимизга қарашли 68 та газ тақсимлаш нуқталари мукаммал тафтишдан ўтказилиб, аниқланган нуқсонлар бартараф этилди. Асосий газ қувурлари ҳам бир қур назоратдан ўтказилиб, зарур қисмлари бўялди. Уларнинг 8,5 минг метрдан зиёди ҳаво ёрдамида тозаланиб, соз ва хавфсиз ҳолатга келтирилди. Бундан ташқари, 6746 та мўрининг ишга яроқлилиги жиддий текширувдан ўтказилди. Айни пайтда белгиланган асосий ишлар ниҳоясига етказилиб, асосий эътибор газ етказиб бериш узлуксизлигини таъминлашга қаратилмоқда.

**Абдуҳошим ҚЎШМАТОВ, "Оҳангаронгаз" филиали бош муҳандиси.**

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида чапдан) пишган ғишт ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Термо Дом" масъулияти чекланган жамиятининг бош механиги Шукур Авазов ва ишчи Акмал Арслонов маҳсулот сифатини текшириш чоғида; "Илоқ" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шавкат Комилов маҳалла фаоллари билан бирга қиш мавсумига тайёргарлик бўйича таклиф ва мулоҳазаларни ўрганмоқда.



**Материалларни «Тошкент ҳақиқати» мухбирлари Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, Хуршида НАЗАРОВА ва Даврон АҲМАД (суратлар) тайёрлади.**

Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт Спорт

# ГИМНАСТИКАЧИ ҚИЗЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

**Яқинда Россиянинг Новосибирск шаҳрида бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича IX халқаро турнирда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармасининг "Форум юниор спорт" мажмуаси аъзолари совринли ўринларни қўлга киритди.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда ёш авлодни жисмонан ва маънан соғлом, баркамол инсон сифатида вояга етказиш, ўғил-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш, айниқса қизларни оммавий спортга кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда қад ростлаётган соғломлаштириш мажмуалари, болалар спорт мактаблари ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланувчи ўқувчилар сафини янада кенгайтириш имконини бермоқда.

Ўқувчи-ёшларнинг спорт билан шуғулланиши учун барча шароит ва имкониятларни яратиш, бу йўналишда алоҳида натижаларга эришаётган ёшларни аниқлаш, улар қобилиятининг юзага чиқиши учун яқиндан кўмаклашиш "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси фаолиятида муҳим ўрин тутади. Жамғарма томонидан турли вазирлик ва ташкилотлар ҳамкорлигида мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказиб келинаётган мусобақалар, марафонлар, спорт фестиваллари, бадиий гимнастика ва синхрон сузиш бўйича анъанавий турнирлар, спорт грантлари дастури бунинг ёрқин далилидир.

Новосибирск шаҳридаги халқаро мусобақада МДҲ мамлакатларидан салкам икки юз нафар спортчи иштирок этди. Арқон, чамбарак, тасмалар ёрдамида бажарилган машқларда ўзбекистонлик гимнастикачи қизлар маҳорати, эпчиллиги, чаққонлигини яна бир карра намойиш этди. Ҳамюртларимиз Алсу Ягафарова, Екатерина Галимова, Марго Дрей, Юлиана Кошеляева биринчи ўринга, Дора Комилова, Олеся Букреева, Татьяна Ким иккинчи ўринга, Саида Давидова учинчи ўринга лойиқ топилиб, олтин, кумуш ва бронза медаллар билан тақдирланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

## ФУТБОЛ

Малайзиянинг Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатининг навбатдаги саралаш учрашувида Ўзбекистон терма жамоаси мезбонлар устидан 3:1 ҳисобида ғалаба қозонди. Учрашувнинг биринчи бўлимида Анвар Ғофуров ҳисобни очган бўлса, иккинчи таймда Баҳодир Насимов ва Темур Кападзе биттадан тўп киритишди.

## ЕНГИЛ АТЛЕТИКА

Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз тўртта медални қўлга киритди. Кўпкураш баҳсларида Ю. Тарасова олтин медаль билан тақдирланган бўлса, баландликка сакрашда Н. Дусанова кумуш ва С. Радзивил бронза медалга сазовор бўлди. Яна битта бронза медални Н. Асанова 400 метрга югуриш баҳсида қўлга киритди.

## САМБО

Қозоғистонда 1994-1995 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида ўтказилган халқаро турнирда уч юзга яқин ёш спортчи ўзаро куч синашди. Мусобақада ҳамюртимиз З. Расулов олтин медални қўлга киритди. Р. Бойтўраев кумуш медаль билан тақдирланган бўлса, ўз вазн тоифаларида А. Мадраимов, А. Язинин, А. Ҳотамов, С. Любченко ва Ш. Маматов бронза медалга лойиқ топилди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Мулоҳаза*

# ТЕЛЕФОНГА ТИКИЛГАН НИГОҲЛАР...



Таҳсил олаётган олийгоҳимдан кузги амалиётни ўташ мақсадида шаҳримиздаги нуфузли мактаблардан бирига юборишди. Ростини айтсам, болаларга оз муддат бўлсада билим бериш шарафига муяссар бўлганимдан жуда қувондим. Ўзимни қайсидир маънода устоз санаб шодландим. Синф хонасига киргач, меҳр тўла кўзларга боқиб, мендаги иштиёқ янада кучайди. Биринчи дарсим савол-жавобларга, баҳс-мунозарага бой бўлди. Қўнғироқ чалиниб, ўқувчилар хонани тарк этишди. Хонадан чиқар эканман, йиғилиб турган бир тўп болаларга кўзим тушди. Улар ниманидир қизиқиб кўришар, бир-бирларига "қара-қара" деб ҳам қўйишарди. Уларнинг ёнига бордим-у, ўқувчим Акбарнинг қўлидаги уяли телефонни олдим. Не кўз билан кўрайки, улар мириқиб, завқланиб, кўраётган нарса турли беҳаё роликлар экан. Ҳайратдан донг қотдим. 7-синф ўқувчиси бугун шундай ҳаёсиз нарсаларни кўрса, эртага у қандай инсон бўлиб етишади? Бизнинг фарзандларга бераётган тарбиямиз шуми? Бунга ким ёки нима сабаб? Ё тўқликка шўхликми?

Ахир, бу масканда болалар учун барча қулайликлар яратилган, хоналар ёруғ, кенг ва шинам, замон талабларига жавоб беради, дарслар компьютер технологияларига асосланган ҳолда ўтилади.

Аслида бунга сабаб энг аввало ота-оналарнинг лоқайдликлари, фарзанд тарбиясига бефарқликлари эмасмикан?

Орамизда шундай ота-оналар бор – фарзандига "сўнгги мода"даги телефонни олиб беради-ю, "болам ўқишларинг яхшими, уй вазифасини тайёрладингми, бугун неча баҳо олдинг" деб қизиқишмайди ҳам. Мактаб ёшидаги болаларга уяли телефон шартмикан? Тўғри, унинг ўзига яраша қулайликлари бор – тезкор алоқа воситаси, аммо фарзандлар ундан шу йўлда фойдаланишяптими ё... Уларни терғаш аввало ота-онанинг вазифаси-ку? Устоз мактабда таълим беради, лекин бола тарбияни, маданиятни, маънавиятни кўпроқ ота-онадан, оилавий муҳитдан олади.

Халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши ёшларнинг бугун нечоғлик тарбия олишига боғлиқ. Бунинг учун ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий жавобгардир.

Зеро, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим-тарбияни инсон камолоти, миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билганлар. Маърифатпарвар бобокалонларимиз "Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир", деган ҳаётий ҳикматни бежиз таъкидламаганлар.

Юртбошимизнинг "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида "Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси", дея қайд этилган. Бинобарин, фарзандларимизга таълим-тарбияни уйғунликда етказа олсак, маънавиятимиз юксак, ёш авлод эса комил шахс бўлиб етишади.

**Шаҳзода МУҲАМЕДОВА,**
**ТДИУ талабаси.**

# ҚОНУНГА ИТОАТ – ҲАЁТИЙ МЕЪЁР

**Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгашида Халқ таълими вазирлиги, Маънавият тарғибот маркази, Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳамкорлигида ташкил этилган "Қонунга итоат – ҳаётий меъёр" мавзуидаги фото ва расмлар кўрик-танловининг якуний босқичи бўлиб ўтди.**

Асосий қонунимиз қабул қилинганлигига ўн етти йил тўлиши муносабати билан ўтказилган мазкур кўрик-танлов ўқувчи-ёшларнинг юртимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга йўналтирилган кенг қамровли ислоҳотлар, жамиятни янада демократлаштириш ва эркинлаштириш йўлидаги ишлар мазмун-моҳиятини чуқур англаб етишига хизмат қилади.

Танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри босқичида ғолибликни қўлга киритган қирқ икки нафар ўғил-қизнинг халқимиз ҳаёти, юртимизнинг гўзал табиати, муҳташам иншоотлари, қадимий обидалари тасвирланган юзга яқин ижодий иши намойиш этилди.

Кўрик-танловда фото йўналиши бўйича хоразмлик Шерзод Сапарбоев, расм бўйича сурхондарёлик Камола Жўраева ғолиб деб топилди.

**Гўзал САТТОРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

*Долзарб мавзу*

# ИНТЕРНЕТ: ИЛДИЗ ОТАЁТГАН ХАВФ

Интернет – инсоният тафаккури маҳсули. Иш столимизда турган компьютерга шунчаки электрон қурилма сифатида қарай олмаймиз. Интернет ахборот олиш, алмашиш ва узатишнинг энг самарали, қулай воситасидир. Унинг мультимедия (тасвир, овоз, матн) хизмати ва бошқа қатор қулайликлари инсониятни виртуал оламга оҳанрабодек тортмоқда. Маълумотларга кўра, шу йилнинг сентябрь ойида дунё бўйича интернетдан фойдаланувчилар салкам 1 миллиард 734 миллион нафарга етган. Ваҳоланки, 2000 йилда глобал тармоқдан 361 миллионга яқин одам фойдаланган. Тўққизўн йилдан кейин бу рақамлар яна неча миллион нафарга ортишини тасаввур қилиш қийин эмас. Чунки тараққиёт мисли кўрилмаган шитоб билан илгариламоқда.

Лекин масаланинг иккинчи, ғоят эътиборталаб жиҳати ҳам бор. Баъзи мамлакатларда виртуал оламга ғарқ бўлиш оқибатида ўзининг ёхуд ўзгаларнинг жонига қасд қилиш одатий ҳолга айланаётгани ҳам сир эмас. Ёки қатор давлатларда реал ҳаётни виртуал ҳаётга алмаштирган, руҳий носоғлом беморларни даволашга ихтисослашган шифохоналар ташкил этилаётганини ҳам ҳеч ким инкор этолмайди.

Компьютер хизматларидан фойдаланиш учун вақтини ҳам, пулини ҳам, алалоқибат саломатлигини ҳам аямайдиганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Болға билан уй қуриш ҳам, бошни ёриш ҳам мумкин. Бугун ёшларимизнинг, айниқса, болалар ва ўсмирларнинг интернетдан фойдаланишини шу икки ҳолатнинг қай бирига қиёслаш тўғри бўлади?

– Ўғлим компьютер олиб беринг, деди. Олиб бердик. Интернетга уланайлик, деди. Бу истагини ҳам бажардик, – дейди Г. Бобобекова. – Ҳаддан ташқари серсавол, ҳамма нарсага қизиқувчан ўғлим аста-секин ўзгара бошлади. Мактабдан келибоқ компьютерга ёпишар, ундан соатлаб ажралмас эди. Аввалига хурсанд бўлдим, кўча-кўйда тентираб юрганидан кўра, дарслардан сўнг уйда, кўз ўнгимда ўтиришидан хотиржам тортдим. Ўғлимнинг ҳаракатларини кузата бошладим. Ундаги руҳий ўзгаришни ўсмирлик даврига хос, деб бўлмасди. Одамови, лоқайд, ёлғизликни хуш кўрадиган, худбин ва такаббур бўлиб қолаётгандек туюлди. Бир куни компьютерида даҳшатли фильмни томоша қилиб ўтирганини кўриб қолдим. Одатда бунақа дискларни уйга келтирмасдим. Кейин билсам, интернетдан излаб топибди...



Таассуфки, сўнгги пайтларда кўнгилни ғаш қиладиган бундай ҳолатлар кўп кузатилмоқда. Буни психологлар қандай изоҳлайди?

**Азамат Назаров,**
**психолог:**

– Бугун интернетдан фойдаланувчиларни шартли равишда икки тоифага ажратиш мумкин. Биринчи тоифадагилар касби талабидан келиб чиққан ҳолда ёки илмий тадқиқотлари учун зарур маълумот ва ахборот олиш мақсадида интернетга мурожаат қилаётганлар бўлса, иккинчи тоифадагилар шунчаки қизиқишига кўра, дейлик, порнографик, танишув сайтларига кириб ёки он-лайн ўйинлари билан кун ўтказиш кайфиятида бўлганлардир.

Виртуал олам инсонни молекуляция қилмоқда. Молекуляция – бу фикрий қарамлик орқали ўзига бўйсундириш демакдир. Ҳозир болалар ёки ўсмирларнинг интернет-кафени "иккинчи уйи"га айлантириб олаётгани сир эмас. Кузатишлар шуни кўрсатадики, он-лайн ўйинларини ўйновчилар ҳам асосан ўсмирлардир. Ўсмирлик шахснинг физиологик ва ижтимоий ривожланишидаги ўзига хос давр ҳисобланади. Агар шу даврда ўғил ёки қиз агрессив руҳдаги он-лайн ўйинларига берилса, бу нохуш оқибатларга олиб келиши эҳтимолдан холи эмас.

Виртуал оламда инсоннинг вақтни идрок қилиш тизими бузилади, ижтимоий фаоллиги камаяди. Компьютер қаршисида вақт ўтганини сезмай қолишнинг боиси ҳам шунда. Виртуал воситаларнинг салбий таъсири маънавий-ахлоқий таназзул билан чегараланиб қолмай, инсоннинг иммун тизимини сусайтирмоқда, умуртқа поғонаси ва кўз касалликларини келтириб чиқармоқда.

**Наргиза Халилова,**
**Тошкент давлат педагогика университети психология кафедраси катта ўқитувчиси:**

– Бундан беш-ўн йил олдин уйлар атрофидаги ўйин майдончалари болалар билан гавжум бўлар эди. Ҳозир эса болаларни кўпроқ ҳар қадамда учрайдиган интернет-кафеларда учратасиз. Болалар ҳаракатли ўйинлардан кўра компьютер ўйинларига қизиқмоқда. Албатта, фарзандларимизнинг замонавий ахборот технологияларига доир билим ва кўникмалари эрта шаклланиб бораётгани қувонарли. Аммо бу маълум бир йўқотишларга сабаб бўлаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди.

Биз талабалик чоғимизда кутубхоналарда китоб излаш билан вақтимиз ўтар эди. Бугунги талаба эса истаган адабиётининг электрон нусхасини интернетдан топа олади, ортиқча вақт ва меҳнат сарфламайди. Бу таҳсинга лойиқ.

Психолог сифатида талабаларимни кузатиб, шундай хулосага келдимки, интернет шахсда фикрий ривожланишни, мушоҳада, таҳлил қилиш қобилиятини, изланувчанликни ва хотирани сусайтиради. Биз ва биздан олдинги авлод вакиллари Навоийнинг, Фузулийнинг юзлаб сатрларини ёд билган. Ҳозир эса тўрт қатор сатрни хотирасида сақлаб қололмайдиган ва шахсий компьютерининг хотирасига суяниб қолган, усиз умуман фикрлай олмайдиган ёшлар оз эмас. Компьютер, хусусан, интернет фарзандларимизни ўйламай, фикрламай яшашга ўргатмаяптимикан, дея хавотирга тушасан, киши...

Умумий психология фанидан яратилган электрон дарсликни талабаларга тавсия қилдим. Мазкур дарсликка маърузалар матни, лаборатория топшириқлари ва психологик тестлар билан бирга дам олиш учун мўлжалланган интеллектуал ўйинлар ҳам киритилган эди. Бир ҳафтадан сўнг талабаларнинг дарслик ҳақидаги фикрларини сўрадим. Афсуски, кўплаб талабалардан "Ўйинлари зўр экан... ", "Анови ўйинда ўнинчи турдан чиқиб кетиш йўли қандай?" деган сўзларни эшитдим, холос. Бу аксарият ёшларимизнинг интернетга ахборот манбаи сифатида эмас, кўпроқ дам олиш воситаси сифатида қараётганидан далолатдир. Юлдузлар ҳаёти, кино олами, танишув, порнографияга оид сайтлар, моҳияти зўравонликка, тажовузкорликка асосланган ўйинлар ҳали шахс сифатида шаклланиб улгурмаган болаларимизни, ёшларимизни виртуал олам домига тортиб кетаётганига қўл қовуштириб қараб турмаслигимиз лозим.

Шу ўринда интернет жодусидан қандай ҳимояланмоқ керак, деган савол туғилади.

**Азамат Назаров,**
**психолог:**

– Илмий сайтга кириб, керакли манбани ўқиб турган пайтингизда асосан танишув ёки порнографик сайтлар рекламаси экранда пайдо бўлади. Руҳий бошқариш қувватига эга бу рекламаларга эътибор қаратиш, ортиқча информациялар ортидан қувиш инсон ресурсларини беҳуда сарфлаш демакдир. Айрим компьютер ўйинлари инсон руҳиятида садизмга мойилликни уйғотади. Буларнинг олдини олиш учун болаларни, ёшларни интернетдан четлаштириб қўя олмаймиз, албатта. Бу давр талаби, замондан орқада қолиб бўлмайди. Энг тўғри йўл, назаримда, фарзандларимизга виртуал оламда нима яхши-ю, нима ёмонлигини ўргатишимиз, уларда интернетдан фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз керак. Бунда асосий масъулият ота-она, ўқитувчи-педагоглар зиммасига тушади.

Ҳа, бугун интернет имкониятларини, унинг фойдали жиҳатларини ҳеч ким инкор этолмайди. Фақат ундан фойдаланиш маданиятини шакллантирмоқ, болаларни унга ўргатмоқ зарур. Бинобарин, ёшларимизнинг руҳий-маънавий оламини зарарли унсурлардан ҳимоя қилиш орқали тараққиёт пойдевори яратилади. Маънавий баркамоллик эса жамият тараққиётининг муҳим омилидир.

**Фарида МАҲКАМОВА,**
**ЎзА шарҳловчиси.**


Сирғали тумани БТИ томонидан Сирғали тумани, Чоштепа кўчаси, 9-берк кўча, 19-уй манзили бўйича Жамалов Джалол номига берилган уй плани (схема) йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Чилонзор туманидаги "SALOMAT-FARM-SERVIS" (ИНН 205860931) хусусий корхонаси ўзининг мулкчилик шаклини "SALOMAT-FARM-SERVIS" МЧЖга ўзгартирмоқда.

Утерянная книга учета доходов и товарных операций индивидуального предпринимателя Зариповой Хуршиды Тахировны (ИНН 445441453) № 051423 от 24.11.2005г., выданная хокимиятом Шайхантахурского района г. Ташкента, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный гос. ордер № 09-02/12490 от 28.10.08г., права собственности на квартиру Ибрагимова Равшана Исмаиловича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**


*Шундан кейин*

## ЎН ЕТТИ СОНИЯ КИФОЯ

АҚШнинг "Ай-Би-Эм" корпорацияси қон таркибини текширувчи янги ускуна яратди. Нур билан ишлайдиган бу қурилма энг майда томирлардаги микроэлементларни ҳам "кўриш" хусусиятига эга.

Шифокорларнинг сўзларига кўра, бу ихтиро мияга қон қуйилиши оқибатида юзага келадиган касалликларнинг олдини олишда ёрдам беради. Бемор ундан мустақил фойдаланиши ҳам мумкин. Бу ускунада қон таркиби таҳлилини ўтказиш учун атиги 17 сония кифоя қилади.

## ЭҲРОМЛАР ЮРТИДАН ЯНГИЛИК

Миср марказида маҳобатли янги шаҳар барпо этилади. Дубайнинг "Al-Futtaim" қурилиш компанияси барпо этажак бу шаҳар замонавий ҳовлилар, кўп қаватли бинолар, савдо марказлари, турли идоралар ва мактабларни ўз ичига олади.

Хабарларга кўра, ушбу лойиҳа учун 3,6 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш режалаштирилган. Шаҳар 2011 йилгача қуриб битказилади.

**ЎзА.**


ООО "AMIR CONSULTING GROUP" (ИНН 300491197), зарегистрированное в хокимияте Яккасарайского района 21.06.2007 г. за № 003110-11, расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. Бабура, д. 73-А извещает о реорганизации общества путем присоединения к ООО "Max Invest Resources". Все права и обязанности ООО "AMIR CONSULTING GROUP" передает ООО"Max Invest Resources".

Претензии принимаются в течение одного месяца по тел.: 102-34-09.


*Shunaqasi ham bo`ladi*

# VAFODOR IT



Bu voqea ikki oy oldin ro`y berdi. Biz Qibraydagi dala hovlimizni sotdik va yangi egalari iltimosiga binoan shu erda katta bo`lgan kuchukchamiz Yo`lbarsni ularga qoldirdik. Ammo, bu taklif 6 yoshli qizimiz Nozimaga yoqmadi. U bu ishimizdan xafa bo`lib, ikki hafta gaplashmay yurdi. Oxiri bo`lmadi, qizchamizning ra`yiga qarab, kuchukchani qaytarib olib kelish maqsadida dala hovliga bordik. Biroq, Yo`lbars u erda yo`q edi. Hovli egalari Bo`stonliq tumanidagi tanishlariga sovg`a qilib yuborishgan ekan. Nozima kuchukchasidan butunlay ayrilganini eshitgach, bir ahvolga tushdi. Uyga tushkun kayfiyatda qaytdik.

Oradan bir oy o`tgach, telefonda kuchukchamiz qaytib kelgani haqidagi xabarni eshitdik. Men qizim Nozima bilan dala hovliga "uchib" bordik va g`alati manzaraning guvohi bo`ldik. Vafodor it yangi joyga ko`nika olmay, egalaridan qochib kelibdi. Uning uzoq yo`l bosib kelganligi shundoqqina ko`rinib turardi, ahvoli og`ir, ko`zlaridan "meni tashlab ketdinglar, sizlardan xafaman, aybim yo`q-ku" degan ma'noni uqib olish qiyin emasdi. Qizim Nozima sevimli kuchukchasini ko`rib, yig`lagancha, quchoqlab oldi.

Men o`zim anglamagan holda katta xatoga yo`l qo`yganimizni sezib, iztirobga tushdim. Uyimizga Yo`lbarsni olib qaytdik. Bir haftada kuchugimiz yana o`z holiga keldi. Endi hovlimizda kuchuk emas, qorovul, sodiq do`st paydo bo`ldi. Uning baralla vovullashi eshitila boshladi.

Bizni hayratga solgan narsa – bu himoyasiz kuchukcha shunday uzoq yo`lni bosib, qiyinchiliklarni yengib, o`z uyini adashmay topib kelganligidir. Ba'zan uzoqdagi yaqinlarimizni ko`rib kelishga fursat topolmay, bahona qidiramiz. Aslida biz shu tilsiz jonvordan ibrat olsak arziydi.

**Tohir QUDRAT o`g`li,**
**professor.**

*Рассом ҳангомаси*



Изоҳга ҳожат йўқ.

Хусан СОДИҚОВ чизган расм.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз:
100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан 2006 йил 18 декабрда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Хуршида НАЗАРОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Нашр индекси – 205. Буюртма Г-1040. Адади 4177. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.30. 1 2 3 5